

**УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖА БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2019.Fil.55.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ
КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

НУКУС ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

ЮСУПОВА ГУЛАРА АТАХАНОВНА

**БЎЛАЖАК ПЕДАГОГЛАРНИНГ ЛИНГВИСТИК
КОМПЕТЕНЦИЯЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА АРАЛАШ
ТАЪЛИМДАН ФОЙДАЛАНИШ МЕТОДИКАСИ**
(ўзбек тили машғулоти учун “Savodxon” электрон-таълим ресурслари
мисолида)

13.00.02 - Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (ўзбек тили)

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

УРГАНЧ – 2020

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
авторреферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on
pedagogical sciences**

Юсупова Гулара Атахановна

Бўлажак педагогларнинг лингвистик компетенцияларини шакллантиришда аралаш таълимдан фойдаланиш методикаси (ўзбек тили машғулоти учун “Savodxon” электрон-таълим ресурслари мисолида)..... 3

Юсупова Гулара Атахановна

Методика применения смешанного обучения при формировании лингвистических компетенций будущих специалистов (на примере электронно – образовательных ресурсов «Savodxon» для занятий узбекского языка)..... 25

Yusupova Gulara Ataxanovna

Methods of using blended learning in developing pre-service teachers’ linguistic competences (in the example of the e-learning resources “Savodxon” for uzbek language classes)..... 49

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 53

**УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖА БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2019.Fil.55.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ
КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

НУКУС ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

ЮСУПОВА ГУЛАРА АТАХАНОВНА

**БЎЛАЖАК ПЕДАГОГЛАРНИНГ ЛИНГВИСТИК
КОМПЕТЕНЦИЯЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА АРАЛАШ
ТАЪЛИМДАН ФОЙДАЛАНИШ МЕТОДИКАСИ**
(ўзбек тили машғулоти учун “Savodxon” электрон-таълим ресурслари
мисолида)

13.00.02 - Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (ўзбек тили)

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

УРГАНЧ – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.1.PhD/Ped1431 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Нукус давлат педагогика институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.urdu.uz) ҳамда «Ziynet» Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Юлдашева Шахло Шукурлаевна
Педагогика фанлари номзоди, доцент

Расмий оппонентлар:

Мухитдинова Хадича Сабировна
Педагогика фанлари доктори, профессор

Бабаджанов Фархад Курбанбаевич
Филология фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Навоий давлат педагогика институти

Диссертация химояси Урганч давлат университети ҳузуридаги илмий даража берувчи PhD.03/30.12.2019.Fil.55.02 Илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгашнинг 2020 йил «11» декабрь соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 220100, Урганч шаҳри, Х.Олимжон кўчаси, 14-уй. Тел: (99862) 224-67-00; факс: (99862) 224-67-00; e-mail: contact@urdu.uz)

Диссертация билан Урганч давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (А-388 рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 220100, Урганч шаҳри, Х.Олимжон кўчаси, 14-уй. Тел: (99862) 224-67-00).

Диссертация автореферати 2020-йил «30» ноябрь да тарқатилди.
(2020 йил «30» ноябрь даги 4 рақамли реестр баённомаси.)



З. Дусимов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш асосидаги Бир марталик илмий кенгаш раиси, ф.ф.д., профессор

С.М. Сариев

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш асосидаги Бир марталик илмий кенгаш илмий котиби, ф.ф.д. (DSc), доцент

С.Р. Рузимбоев

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги Бир марталик илмий семинар раиси, ф.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда таълим тизимини ташкил этишга замонавий ёндашувлар ахборот ва билим устуворлик хос бўлаётган жамият тараққиётига мувофиқ янгиланаётганлиги боис “XXI аср учун олий таълим: ёндашувлар ва амалий чоралар Бутунжаҳон декларацияси”да муҳим вазифалар белгиланди¹. Бутун умр давомида таълим олиш, касбларни бир неча бор ўзгартириш учун кўникма ва малакаларни янгилаб бориш, касбий компетенцияларни такомиллаштириш зарурияти кучайганлиги тил ўқитиш амалиётида ҳам таълим шакллари рақамлаштиришнинг ранг-баранглигини тақозо қилмоқда.

Дунёда пандемия шароитида барча соҳаларда бўлгани каби рақамлаштириш таълим тизими ва педагог кадрлар учун бардошлилик синови ва муаммолар ечими сифатида таълим узлуксизлигини таъминламоқда². Жаҳоннинг илғор мамлакатларида, жумладан, Буюк Британия, АҚШ, Япония, Корея, Россия каби мамлакатлар илмий ҳамжамиятларида тилларни ўқитишни коммуникатив ва касбий компетенциялар орқали ривожлантириш, мустақил таълим олишни кучайтириш, ўқув-меъёрий таъминот, таълимни рақамлаштириш билан уйғунликни шакллантириш бўйича илмий тадқиқотлар яхши самара бермоқда. Сўнгги тадқиқотларда бундан кейинги таълим тизимининг пандемиядан олдинги даврдан бутунлай бошқача бўлиши мумкинлиги, пандемия таълимни шиддат билан рақамлаштирувчи катализаторга айланганлиги таъкидланмоқда³.

Республикамизда миллий таълим тизимининг рақамлаштирилишига таълим сифатини оширувчи омил сифатида эътибор қаратиб келинмоқда. 2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш, турли мутахассисликларни эгаллаётган талабаларда она тили, давлат тили, хорижий тилларга бўлган тўғри муносабатни шакллантириш, ўзбек тилини давлат тили сифатида ўрганаётган бошқа миллат вакилларида ўзбек тилига нисбатан ҳурмат уйғотиш тил таълимига замонавий талаблар асосида ёндашиш

¹ Таълим олиш ҳуқуқи. ЮНЕСКОнинг 71-сессияси материаллари. 2016 йил 29 август. <https://undocs.org/pdf?symbol=ru/A/71/358>; Всемирный доклад по мониторингу ОДВ. Издательство ЮНЕСКО, 2012. http://www.intelros.ru/pdf/doklad_yunesko_2012_molodejz'_i_naviki.pdf; Incheon Declaration: Education 2030: Towards inclusive and equitable quality education and lifelong learning for all. [World Education Forum, Incheon, Korea R, 2015. https://unesdoc.unesco.org/ark:/48223/pf0000233813](https://www.weforum.org/publications/2015/04/incheon-declaration-education-2030/)

² Нарушения образовательного процесса в связи с пандемией коронавируса COVID-19 и меры реагирования. <https://ru.unesco.org/covid19/educationresponse>

³ Давлетов Ф. Глобальное влияние COVID-19 на систему образования. <https://review.uz/ru/post/globalnoe-vliyanie-covid19-na-sistemu-obrazovaniya>; Зенков А.Р. Образование в условиях пандемии: что показывает кризис? <https://www.imemo.ru/news/events/text/obrazovanie-v-usloviyah-pandemii-cto-pokazivaet-krizis/>; Высшее образование после пандемии: цифровое будущее или сохранение традиций? <https://infopro54.ru/news/vysshee-obrazovanie-posle-pandemii-cifrovoe-budushhee-ili-soxranenie-tradicij/>; Потеряют ли учителя работу, а ученики школу? https://obrmos.ru/go/go_scool/news/go_go_scool_news_1sent_zifra.html

заруратини юзага келтирди. Талабаларнинг ўзбек тилини ўрганишга мотивациясини ривожлантириш ўқув жараёнини анъанавий ва аралаш таълим интеграциясида ташкиллаштириш ҳамда таълим амалиётига лингвистик компетенцияларни шакллантиришнинг мақбул усулларини жорий этиш билан боғланади. Зеро, қисқа муддатда анъанавий таълимдан онлайн таълимга ҳатлаб ўтиш, аксарият фанларда бўлгани каби ўзбек тили таълимининг рақамлаштиришга трансформация қилиниши учун вазият етилди. Бу эса, келажакда касб тақозоси билан давлат тилини ўргатишга бўладиган ҳаётий эҳтиёж мавжудлигини талабаларнинг онги-шуурига етказиш, бўлажак педагогларнинг лингвистик компетенцияларини шакллантириш ва фаннинг методик таъминотини аралаш таълим асосида такомиллаштиришни тақозо этади.

Ўзбекистон Республикасининг “Давлат тили тўғрисида”ги, Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон, 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сон, 2019 йил 21 октябрдаги “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5850-сон Фармонлари, 2018 йил 21 сентябрдаги “2019 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида” ПФ 5544-сон, 2018 йил 5 июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3775-сон Қарори ҳамда таълим мазмуни ва сифатини такомиллаштиришга доир бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналишига мос келади.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Республикада олий таълим муассасаларининг русийзабон гуруҳларида ўзбек тилини ўргатиш масалалари Р.Ниёзметова, Х.Мухитдинова, С.Адилова, Л.Акрамова, Г.Асилова, Л.Ахметова, Г.Аҳмедова, М.Жўраев, М.Қорахўжаева, Г.Қурбонова, З.Салишева⁴ каби етук олимларнинг ишларида тадқиқ

⁴Ниёзметова Р. Узлуксиз таълим тизимида ўзбек адабиётини ўрганишнинг назарий ва методик асослари (рус гуруҳлари мисолида): Пед. фан. док. ... дисс. –Т., 2007. – 242 б.; Мухитдинова Х.С. Таълим босқичларида ўзбек тили ўқитилиши узлуксизлигини таъминлашнинг илмий-методик асосларини такомиллаштириш: Пед.фан. д-ри. ... дисс. – Т., 2011. – 390 б.; Адилова С. Ўзбек тили машғулотларини компьютер технологиялари воситасида ташкил этиш (олий таълим муассасаларининг русийзабон гуруҳларида): Пед. фан. ... ном. ... дисс. –Т., 2004. –160 б.; Акрамова Л.Ю. Обучение письменной речи на базе научного текста по специальности в группах одаренных студентов медицинских вузов: Автореф. дисс. ... канд. пед. наук. –Т.,

килинган. Турли таълим муассасаларида ўзбек тилини туркийзабон гуруҳларда ўқитиш масалалари М.Бўронов, Б.Тўхлиев, Г.Қурбониязов, Ф.Бобожонов, К.Ражабова, Ш.Юлдашева, Д.Кабуловаларнинг⁵ изланишларида ўз аксини топган.

МДХ ва хорижий мамлакатларда тил ўқитишда коммуникатив ва лингвистик компетенцияларни шакллантириш ҳамда ривожлантириш, шунингдек, тил таълимига аралаш таълимни татбиқ этиш муаммолари бўйича Н.Хомский, Д.Хаймс, Д.Берн, Ян ван Эк, Д.И.Изаренков, В.А.Фандей, О.Т.Солтанбекова, А.А.Мукашева, Т.П.Оглуздина, В.С.Бронская, О.Л.Федотова, А.Кукульска-Хьюм, К.Т.Магомедова каби тилшунос, методист ва психолог олимларнинг илмий-тадқиқот ишларини таъкидлаб ўтиш мумкин.

Мазкур тадқиқотчиларнинг ишларини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, бўлажак педагогларнинг лингвистик компетенцияларини шакллантириш тилни билиш даражаси билан узвий боғлиқдир. Бинобарин, мамлакатимизда CEFR – (Common European Framework of Reference) хорижий тилни эгаллашнинг Умум Европа компетенциялари асосида UzLISA (Uzbek Language International Standard of Assessment) яратилганлиги маълум қилинган бўлса ҳам, амалий ишлар ижроси, яъни халқаро мезонларга асосланган миллий баҳолаш тизими асосида А1, А2, В1, В2 ва улардан юқори даражалар учун ўқув материаллари, синов топшириқлари тизими ва методик қўлланмалар ишлаб чиқиш етарли эмас. Айниқса ўзбек тили таълимини рақамлаштириш, ўзбек тилида ўқув контентини яратиш, шунингдек, бўлажак педагогларни қуйи бўғинга, яъни рақамлашаётган халқ таълими тизимига тайёрлаш бўйича муаммолар ечимини кутмоқда.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Нукус давлат педагогика институти илмий-тадқиқотлар режасининг «Тил ўқитиш назарияси ва методикасининг ахборот технологиялари билан уйғунлашуви» (2016 – 2019 йй.) мавзуси доирасида бажарилган.

2001. –21 с.; Асилова Г. Божхона ва солиқ йўналишлари талабаларининг давлат тилида касбий мулоқот юритиш компетенциясини ривожлантириш (рус гуруҳлари мисолида): Пед. фан. д-ри ... дисс. – Т.: ТДПУ, 2017. – 276 б.; Ахметова Л.Р. Мутахассислик факультети бакалариат ва магистратура талабаларининг ёзма нутқини ўстириш: Автореф. дисс. ... канд. пед. наук. – Т., 2011. – 28 б.; Ахмедова Г. Ўзбек тили дарсларида талаба нутқини ясама сўзлар билан бойитишнинг методик асослари (таълим рус тилида олиб бориладиган мактаблар мисолида): Пед. фан. ...ном. ... дисс. автореферат. –Т., 2006. –164 б.; Жўраев М. Ўзбек тилини давлат тили сифатида ўргатиш методикасининг шаклланиши (олий ўқув юртларида давлат тили таълими мисолида): Пед. фан. ном. ... дисс. –Т., 2005. – 149 б.; Қорахўжаева М. Нофилологик гуруҳ талабалари касбий нутқини феъл асосида шакллантириш методикаси: Пед. фан. ном. ... дисс. –Т., 2002. –156 б.; Қурбонова Г. Тиббиёт институтларининг рус гуруҳларида “Ўзбек тили” фанини ўзлаштириш жараёнида талабаларнинг ихтисосий нутқи устида ишлаш методикаси: Пед. фан. ном. ... дисс. – Т., 1998. –148 б.; Салишева З. Ўзбек тили машғулотларида талабалар монологик нутқини ривожлантириш методикасини такомиллаштириш (рус гуруҳларида): Пед. фан. Фалс. д-ри. (PhD) ... дисс. –Т., 2019. – 175 б.;

⁵ Бўронов М. Ўзбек тили ўқитиш методикасининг баъзи масалалари. – Нукус: Билим, 1998. –112 б.; То‘хлиев В., Қурбониязов Г. О‘zbek tili. (Oliy o‘quv yurtlarining qoraqalpoq guruhi talabalari uchun). –Т.: A.Navoiy nomidagi O‘zbekiston Milliy kutubxonasi nashriyoti, 2012.; Бобожонов Ф., Ражабова К. Ўзбек тили. – Т.: Mumtoz so‘z, 2017.; Yuldasheva Sh., Kabulova D., Sabirova M. O‘zbek tili. – Nukus: Bilim, 2013.; Yuldasheva Sh., Kabulova D. O‘zbek tili. – Т.: Mumtoz so‘z, 2016.

Тадқиқотнинг мақсади бўлажак педагогларнинг лингвистик компетенцияларини аралаш таълим воситасида шакллантириш методикасини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

олий таълим муассасаларида ўзбек тилини ўқитишга аралаш таълимни татбиқ қилиш жараёнини таҳлил қилиш;

бўлажак педагогларнинг ўзбек тилидан лингвистик компетенцияларини шакллантиришдаги мавжуд муаммоларни аниқлаш ва уларни аралаш таълим воситасида бартараф этиш имкониятларини асослаш;

бўлажак педагогларда лингвистик компетенцияларни шакллантиришнинг ўқув-методик таъминотини такомиллаштириш;

лингвистик компетенцияларни шакллантиришда ўзбек тилини билишнинг В2 даражасини халқаро мезонлар асосида баҳолаш технологиясининг педагогик имкониятларини аниқлаштириш;

таълим воситаларини такомиллаштириш, аралаш таълим шароитида педагогик тажриба-синов ишларини ташкил қилиш ва самарадорлик кўрсаткичларини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти педагогик ОТМларнинг ўзга тилли гуруҳларида ўзбек тилини ўқитишда бўлажак педагогларнинг лингвистик компетенцияларини аралаш таълим воситасида шакллантириш жараёни.

Тадқиқотнинг предмети бўлажак педагогларнинг ўзбек тилидан лингвистик компетенцияларини аралаш таълим воситасида шакллантириш мазмуни, методлари, шакл ва воситалари.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда адекват ҳолатда ўрганишни таъминлашга қаратилган методлар мажмуи: назарий (таҳлилий-синтетик, қиёсий таҳлил), диагностик (ўқитувчи ва талабалар билан суҳбатлар, анкета, тест, кузатиш), прогностик (умумлаштириш, баҳолаш), педагогик эксперимент ва математик методлар (маълумотларга статистик ишлов бериш, натижаларни график тасвирлаш ва бошқалар) қўлланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

олий таълим муассасаларида ўзбек тилини ўқитиш методикасининг назарий жиҳатлари анъанавий ва электрон таълим интеграцияси асосида такомиллаштирилган;

бўлажак педагогларнинг лингвистик компетенцияларини шакллантиришга мос ўқув-методик таъминоти аралаш таълим тамойилларига (аниқ назарий маълумотларга асосланиш; таълим олувчилар ва таълим берувчи ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик; таълимнинг шаффофлиги) устуворлик бериш асосида ишлаб чиқилган;

ўзбек тили ва ўзбек адабиёти намуналари жамланган модуллар ўқув материалларини танлаш мезонлари (лексика ва грамматикадаги бўшлиқларни аниқлаш, қардош тилларнинг муштарак хусусиятлари, адабий ўқиш материали), “Ҳазил диктант” ва фольклоротерапия каби усуллар воситасида такомиллаштирилган;

бўлажак педагогларнинг лингвистик компетенцияларини шакллантиришда аралаш таълимдан фойдаланишнинг танишув, ижодий қисм, баҳолаш босқичлари, ўзбек тилини билиш даражасини халқаро мезонлар асосида баҳолаш технологиялари аниқлаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

бўлажак педагогларнинг лингвистик компетенцияларини электрон таълим ресурслари асосида шакллантириш ва ўзбек тилини аралаш таълим муҳитида ўқитишнинг ўқув-услубий таъминоти яратилган;

талабаларнинг лингвистик компетенцияларини шакллантиришга йўналтирилган халқаро тажрибалар асосида ўзбек тилини билишнинг В2 даражаси бўйича тест синов топшириқлари ишлаб чиқилган ва амалиётга татбиқ этилган;

тадқиқот натижалари асосида ўзбек тили таълимида аралаш таълимнинг психологик, педагогик ва методик тамойилларидан фойдаланиш юзасидан яратилган “Нейролингвистика ва тил ўқитиш методикаси” номли ўқув-услубий қўлланма электрон таълим ресурслари, Ziyonet ахборот таълим порталига (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқот муаммосига илмий-назарий ва умумий педагогик жиҳатдан ёндашувлар, илгари сурилган ғояларга оид назарий маълумотлар расмий манбалардан олинганлиги, таҳлиллар ва тажриба-синов ишлари самарадорлиги математик-статистик усуллар воситасида асосланганлиги, тадқиқот иши хулосалари, берилган таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ўзбек тили таълимининг ажралмас қисми сифатида бўлажак ўқитувчиларнинг ўзбек тилидан лингвистик компетенцияларини шакллантиришга хизмат қиладиган аралаш таълим воситалари ҳамда методларининг такомиллаштирилганлиги, ўзбек тили фанини туркийзабон аудиторияда ўқитиш концепцияси бўйича илмий-назарий қарашлар умумлаштирилганлиги, ўзбек тилини билиш даражасини халқаро мезонлар асосида баҳолаш бўйича технологиялар тўпламларининг педагогик имкониятларидан самарали фойдаланиш йўллари асосланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти аралаш таълим самарадорлиги учун босма ва электрон ўқув адабиётлари яратилганлиги, мазкур таъминотдан ўзбек тилидан ўқув дастурлари, дарсликлар ва ўқув қўлланмалар яратишда, давлат ва жамоат ташкилотлари, аҳолининг кенг қатлами, шунингдек, хориждаги ватандошлар ва ўзбек тилини ўрганувчилар, республикамизда фаолият юритаётган хорижий ишбилармонлар, мутахассисларни ўқитишда фойдаланиш, ўзбек тилини билишни сертификатлаштириш учун имтиҳонларни ташкил қилишда амалий татбиқ этиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбек тили машғулотида бўлажак педагогларнинг лингвистик компетенцияларини шакллантиришда аралаш таълимни татбиқ қилиш методикасини такомиллаштириш бўйича ўтказилган тадқиқот натижалари асосида:

Ўзбек тилини ўқитиш методикасининг назарий жиҳатларини анъанавий ва электрон таълим интеграцияси асосида такомиллаштириш бўйича таклифлар олий таълим муассасалари ўқув жараёнига татбиқ қилинган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 6 февралдаги 89-03-522-сон маълумотномаси). Натижада бўлажак педагогларда лингвистик компетенцияларни шакллантириш жараёнига аралаш таълимни самарали татбиқ этиш имконини берган;

Бўлажак педагогларнинг лингвистик компетенцияларини шакллантиришда аралаш таълим тамойилларига устуворлик берилган ўқув-методик таъминоти Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети хузуридаги Давлат тилида иш юритиш асосларини ўқитиш ва малака ошириш маркази фаолиятида фойдаланилган (Давлат тилини ривожлантириш департаментининг 2020 йил 19 мартдаги 30/13-3-сон маълумотномаси). Натижада давлат ташкилотларининг бошқарув ходимлари, мутахассислари, ўзбек тилини амалий жиҳатдан ўрганувчилар учун ўқув-услубий мажмуалар ишлаб чиқилган;

Ўзбек тили ва ўзбек адабиёти намуналари жамланган модуллар ўқув материалларини танлаш мезонлари (лексика ва грамматикадаги бўшлиқларни аниқлаш, қардош тилларнинг муштарак хусусиятлари, адабий ўқиш материали) “Ҳазил диктант” ва фольклоротерапия каби усуллар воситасида такомиллаштиришга доир таклифларидан ўзга тилли гуруҳларда ўзбек тилини ўқитишда самарали фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 18 мартдаги 89-03-1152-сон маълумотномаси). Натижада фан мазмунининг бойишига хизмат қилган;

Бўлажак педагогларнинг лингвистик компетенцияларини шакллантиришда аралаш таълимдан фойдаланишнинг танишув, ижодий қисм, баҳолаш босқичлари, ўзбек тилини билиш даражасини халқаро мезонлар асосида баҳолаш технологиялари бўйича таклифлари “Savodxon” мобиль иловаси, “Imlo qoidalarini o‘rganamiz” электрон ўқув нашри мазмунига сингдирилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 18 мартдаги 89-03-1151-сон маълумотномаси). Натижада таълим олувчиларнинг ўзбек тилида гапириш, тинглаш, ўқиш ва ёзиш кўникма-малакаларини назорат қилиш, баҳолаш ва ривожлантириш имкониятини оширган ҳамда хориждаги ватандошлар, чет эллик мутахассисларга ўзбек адабий тили меъёрларини онлайн ва оффлайн ўқитиш самарадорлигини оширишга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 5 та хорижий ва 8 та республика илмий-амалий конференцияларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқотнинг асосий натижалари муаллиф томонидан чоп қилинган 5та илмий-услубий иш, шулардан, 1та электрон ўқув наشري, 1та мобиль илова, 2та ўқув-услубий кўлланма, 1та луғат ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия қилинган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 4таси республика, 1таси хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта боб, хулоса ва тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Унинг умумий ҳажми 132 бетни ташкил қилади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ ҚИСМИ

Кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, мақсади ва вазифалари, объект ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «Ўзбек тилидан лингвистик компетенцияларни шакллантиришнинг лингводидактик ва педагогик асослари» деб номланган биринчи бобида лингвистик компетенция моҳияти ва унинг педагог касбий компетентлигидаги аҳамиятига қаратилган тадқиқотлар таҳлили келтирилган. Лингвистик компетенцияларни шакллантиришда “Ўзбек тили” фанининг ўқув-методик таъминоти таҳлили ва бўлажак талабаларда лингвистик компетенцияларни шакллантиришдаги муаммолар ҳамда уларни бартараф этиш имкониятлари ёритилган.

Педагогика институтларининг туркийзабон аудиториясида ўзбек тилини давлат тили сифатида ўқитиш жараёнида бўлажак ўқитувчиларнинг касбий компетентлигининг узвий қисми саналадиган коммуникатив компетенцияни шакллантиришга алоҳида аҳамият қаратилади. Аксарият адабиётларда комму-никатив компетенция таркибида лингвистик, социолингвистик ва прагматик компетенциялар саналади. “Лингвистик компетенция, – деб изоҳланади “Методик атамалар ва тушунчалар луғати”да, – ўрганилаётган тилни унинг сатҳлари: фонетика, лексика, сўз таркиби, сўз ясалиши, морфоло-гия, содда ва кўшма гап синтаксиси, матн услуги асослари бўйича эгаллаш демакдир. Агар ўқувчи ўрганилаётган тил тизими ҳақида тасаввурга эга бўлса ва амалда ундан фойдалана олса, лингвистик компетенцияга эга



1-расм. Лингвистик компетенция таркиби

дейиш мумкин”⁶. Дарҳақиқат, қайсидир янги тилни имо-ишоралар, хатти-харакатлар, таниш предметларни вербал акс эттириш орқали ўрганиш бошланганда ҳам, фикрни оғзаки ва ёзма шаклда етарли даражада ифодалаш учун ўрганилаётган тилнинг фонетикаси ва орфоэпияси (товуш тизими, урғуни тўғри қўллаш), лексикаси (сўзларни синоними, антоними, омоними билан ўрганиш, сўзнинг ўз ва кўчма маъноларини, фразеологизмларни аниқлаш), сўзнинг таркиби (асос ва қўшимчаларни фарқлаш, ҳар бир туркумга хос грамматик шаклларни ва уларнинг вазифаларини), синтаксиси (фикрни тасдиқ ёки инкор қилиш шакллари, ифода мақсадга кўра дарак, сўроқ, буйруқ гапларни ўрганмасдан туриб), яъни лингвистик компетенциясиз тилни эгаллаш асло мумкин эмас. Агар ўзбек тилини иккинчи тил ёки давлат тили сифатида ўқитишда лингвистик компетенция тушунчасини ойдинлаштириш ҳақида сўз юритилса, айтиш ўринлики, лингвистик компетенция – бу, нутқий фаолиятни тартибга солувчи грамматик қоидаларни амалиётда уйғунликда – ўрганаётган тилда сўз ва жумлаларни тўғри қўллай олиш, нутқда фикрнинг гапдаги ифодасининг тўғри-нотўғрилигини ажрата олиш лаёқатидир (1-расмга қаранг).


Мазкур бобда компетенция турларининг ўзбек тили фани мазмунида акс этиши таҳлил қилинди.

Тадқиқот муаммоси юзасидан олиб борилган тажриба-синов ишларининг асословчи босқичида лингвистик компетенцияларни шакллантиришнинг мавжуд ҳолати аниқланди (2-расмга қаранг).

Ҳозирги кунда Қорақалпоғистон Республикасидаги 9 та олий таълим муассасаларининг 1-босқичида тахминан 6000га яқин талаба ўзбек тилини

⁶ Азимов Э.Г., Шукин А.Н. Новый словарь методических терминов и понятий (теория и практика обучения языкам). – М.: Издательство ИКАР, 2009. – стр. 98.

ўрганаётган бўлса, улар орасида 4 та миллат вакиллари кўпчиликни ташкил



2-расм. Лингвистик компетенцияларни шакллантиришнинг асословчи босқичдаги мавжуд ҳолати

килади. Ўзга тилли гуруҳларда 15 – 20 фоиз талабалар ўзбек тилини қуйи босқичда В2 даражада ўрганиб келган, 15 фоиз талабалар хорижлик талабалар бўлиб, улар ўзбек тилини А1, А2 даражада билишади, 65 – 70 фоиз талабалар эса ўзбек тилини қуйи – В1 даражада эгаллаганлар. Мазкур ҳолат, шунингдек, қардош тилларнинг муштарак хусусиятлари Қорақалпоғистоннинг туб аҳолиси саналувчи турли тайёргарлик даражасидаги талабалар, хорижий талабаларни ва уларнинг нутқидаги лексик, грамматик бўшлиқларни назарда тутган ҳолда ўзбек тилини ўқитиш методикасини такомиллаштиришни тақозо этади. Қуйидаги ҳолатлар ОТМларда бўлажак мутахассисларнинг ўзбек тили фанига мотивациясини кучайтириш ва фанга оид компетенцияларини етарли даражада шакллантиришга ҳалақит бераётганлиги аниқланди:

1. Ўзбек тили фанини ўқитиш билан боғлиқ муаммолар: а) ўқув режалари билан боғлиқ муаммолар; б) ўқув мақсади ва таълим мазмунидаги айрим номувофиқликлар; в) нутқий мавзуларнинг ХХІ аср компетенцияларига мувофиқлиги масаласи; г) ўзбек тили грамматикасини ўқитиш борасидаги муаммолар; д) ўқитувчиларнинг компетентлиги масаласи; е) имло билан боғлиқ муаммолар.

2. Талабалар билан боғлиқ муаммолар: а) талабаларнинг ўзбек тилидан дастлабки билим, кўникма ва малакаларининг етишмаслиги; б) она тили ёки давлат тилига нисбатан хорижий тилларни ўрганишни устун қўйиш.

3. Ўзбек тили таълими ва ўқув материаллари муаммолари: а) замонавий ўқув адабиётларининг етишмаслиги; б) компьютер технологиялари билан қўллаб-қувватлашдаги муаммолар ва ш.к.

Диссертациянинг иккинчи боби «Талабаларнинг лингвистик компетенцияларини шакллантиришда аралаш таълимдан фойдаланиш

методикаси» деб номланиб, ўзбек тили дарсларига аралаш таълимни татбиқ қилиш шарт-шароитлари, аралаш таълим учун ўқув контентини яратиш ва фойдаланишнинг ўзига хослиги, такомиллаштириш мазмуни баён қилинган.

XX аср охири ва XXI аср бошларида дунё таълим тизимидаги янгидан янги, хусусан, edtech (таълим технологиялари), e-learning (э-таълим), blended-learning (аралаш таълим) атамалари миллий педагогика луғатига кенг миқёсда кириб келди. Электрон дарсликлардан то масофали таълим, булутли технологиялар, оммавий очик онлайн курсларигача бўлган тараққиёт таълим шакллари такомиллаштиришга замин яратади. Деклан Берн “blended learning” (аралаш таълим) ҳақида шундай ёзади: “Ушбу атама бир нечта ўқитиш методларини ўз ичига олган ўқув натижаларига ишора қилади, айти пайтда муайян вақтда электрон таълим ва мустақил таълим уйғунлигидаги турли хил фаолият турларини қамраб оладиган таълимни тавсифлаш учун қўлланилади”⁷.

Ўзбек тили машғулотларида татбиқ қилинаётган аралаш таълимнинг асосий тамойиллари сифатида қуйидагиларни белгилаш мумкин: аниқ назарий маълумотларга асосланиш; таълим олувчилар ва таълим берувчи ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик; таълимнинг шаффофлиги.

Ўзбек тили машғулотларида аралаш таълимни татбиқ этишни муайян кетма-кетликда амалга ошириш тақозо қилинади (3-расмга қаранг).




3-расм. Ўзбек тили машғулотлари учун аралаш таълимни татбиқ этиш босқичлари

Ишимизда аралаш таълимни ташкил қилишда 30/70 тарзида, яъни талабаларнинг деярли таълим муассасасига келмасдан интернет орқали таълим олишлари назарда тутилмади. Ўзбек тили дарслари анъанавий усулда

⁷ Declan Byrne, Blended learning. http://www.trainingreference.co.uk/blended_learning/bldacg1.htm

Белгиланган дарс жадвали бўйича аудиторияда ташкил қилинди. Дарсда талабалар асосий ва қўшимча адабиётлар, жумладан, электрон манбалардан фойдаланиш, мустақил бажарилиши кўзда тутиладиган ишлар бўйича услубий маслаҳатлар олдилар. Семестр охирида ўзлаштирилган билим, малака ва кўникмалар анъанавий усулда баҳоланди. Шу билан биргаликда талабалар анъанавий ва электрон таълим интеграцияси, мустақил таълим уйғунлигида лингвистик компетенцияларни эгаллашга йўналтирилди: талабалар таълим муассасасининг Moodle тизимида “Ўзбек тили” фанидан жойлаштирилган ўқув материалларидан ва электрон ўқув нашрлар, мобиль иловадан фойдаланишди. Уларнинг билим, малака ва кўникмалари, компетенциялари интерфаол машқларни ва диктантларни бажариш, матн яратиш, электрон хатлар ёзиш каби шаклларда назорат қилинди. Маълумот алмашиш жараёни файл жўнатиш ва қабул қилиш шаклида амалга оширилди. Бажарилган ишларнинг баҳоланиши эса ишнинг тўғрилиги ва сифатига оид тавсиялар, мулоҳазалар ёки баҳо шаклида белгиланди. Аралаш таълим учун тайёрланган “Savodxon” мобиль иловасида ихтиёрий модулни танлаш, машқларга ўтиш, уларни бажариш орқали ўз-ўзини баҳолаш, автоматлаштирилган баҳолаш натижалари билан танишиш, натижаларни скриншот қилиб, фан ўқитувчисига ёки гуруҳдошларига жўнатиш, таҳлил қилиш назарда тутилди. Унда 15та модулда жами 150та интерфаол машқлар ва диктантлар талабанинг ўзини ўзи назорат қилишига қулай шаклда жойлаштирилди (4-расмга қаранг). Луғат диктант, сайланма диктант, изоҳли диктант, қолип диктант, ўз диктант, таржима диктант каби анъанавий диктантлар интерфаол диктантларга айлантирилди.



4-расм. «Savodxon» мобиль иловаси таркиби

Талабалар томонидан мазкур мобиль иловада қўйилган топшириқларнинг уйда мустақил бажарилишидан сўнг аудиторияда (face-to-face sessions) интерфаол машқ ва диктантларнинг таҳлили амалга оширилади. Бу жараёнда талабалар яққа, кичик гуруҳларда, шунингдек, ҳамкорликда фаолият олиб боришади. Лингвистик компетенцияларни шакллантириш айнан анъанавий диктант, машқларни интерфаол диктантлар ва интерфаол машқларга айлантириш ҳамда уларнинг талабалар томонидан ўқитувчи

ёрдамида ёки мустақил бажарилиши жараёнида юз беради. Жумладан, мобиль иловадан ўрин олган луғат диктант, сайланма диктант, таржима диктант, ўз диктант кабиларни бажариш жараёнида муайян лексик ва грамматик коидалар такрорланади, изоҳланади.

Аралаш таълим асосидаги 3 босқичли машғулотлар танишув (кириш), ижодий (асосий қисм), баҳолаш (якуний) қисмдан иборат бўлди. Машғулотнинг янги мавзу билан танишувдан иборат кириш қисмида талабалар мавзунини ўрганишга тайёрланишди. Асосий қисмда ўрганилаётган янги мавзу бўйича топшириқлар, матн, аудио ва видео материаллар, расмлар асосида суҳбат, янги сўзлар ва атамалар талаффузи ҳамда имлосинини ўрганиш, лексик ва грамматик материаллар билан танишиш ишлари амалга оширилди. Якуний қисмда талабаларга ўз-ўзинини ва кичик гуруҳлардаги ишларинини баҳолаш, кейинги мавзуга қизиқтириш учун муаммоли топшириқлар, ўқув лойиҳалари тавсия қилинди. Баҳолашда шаффофлик таъминланди, гуруҳдагилар ўзларининг ва бошқаларнинг ўзлаштиришларинини кузатиб, автоматлаштирилган баҳолаш натижаларинини олишди, бир-бирларинини баҳолашди.

Аралаш таълим асосидаги ўзбек тили машғулотларида ўқитувчи назорати остида талабалар мавзунинг қизиқарли ва мунозараларга бой жиҳатларинини юзага чиқаришга интилишади, лексик ва грамматик масалаларни ҳал қилиш учун кўшимча лингвистик, энциклопедик луғатларга мурожаат қилишади. Шу тариқа қўйилган топшириқларни бажариш учун ахборотларни излаш ва саралаш, қайта ишлов беришга одатланадилар, ўқитувчи мулоқотни мунтазам қўллаб-қувватлаб туради.

Аралаш таълимни ўзбек тилини ўрганиш жараёнига татбиқ қилишда ниҳоятда мослашувчан ва қулай имкониятларга эга эканлиги кузатилмоқда. Янги ўқув йили бошланишидан оқ ўқитувчи ва талабаларнинг ўзбек тилидаги мулоқоти аудиторияда ҳамда онлайн ва офлайн тизимда бошланади: талабалар ўқув дастурида кўрсатилган анъанавий адабиётлар рўйхати билан биргаликда электрон адабиётлар ва таълимий веб-сайтлар ҳамда логинь, парол(ўрон)лар, мессенжерлар манзиллари ҳақидаги маълумотларни ҳам олишади.

Албатта, аралаш таълимдан фойдаланиш борасида мулоҳазали ва мунозарали ҳолатлар ҳам мавжуд. Жумладан, профессор-ўқитувчиларнинг аксариятида таълимдаги янгиликларни қабул қилишда иккиланишлар кузатилади. Аксарият ўқитувчилар аралаш таълимдан кўра анъанавий таълимни устун қўйишади. Боиси бошқа фанларни ўқитиш методикасида жаҳондаги энг сара таълим воситаларинини, таълим контентларинини ўзбек тилига таржима қилиш орқали фойдаланиш имконияти кучли бўлса, ўзбек тили фани ўқитувчиси аралаш таълим учун ўқув контентинини ўзи яратиши зарур. Бу эса махсус тайёргарлик ва вақт талаб қилади. Талабаларда ҳам мустақил таълим олиш кўникма ва малакаларининг етарли шаклланмаганлиги, уларнинг муайян қийинчиликлар ва муваффақиятсизликларни енгиб ўта олишга тайёр эмаслиги ҳам аралаш

таълимнинг самарадорлигига салбий таъсир қилиши табиий. Шунингдек, таълим муассасаларида кундалик давомат масаласининг биринчи поғонага кўйилиши ҳам аралаш таълимни амалга оширишда масофали таълим салмоғини оширишга изн бермайди.

Ўзбек тили дарсларига аралаш таълимни татбиқ қилиш жараёнида куйидаги ижобий жиҳатлар кузатилади: талабаларда зарур билим, малака ва кўникмаларни эгаллашга интилиш кучаяди; таълим берувчи ва олувчиларда ижодкорлик орта боради; талабаларнинг ютуқлари ва камчиликлари ҳақида мунтазам маълумотга эга бўлиш имконияти яратилади; фаннинг мақсад ва вазифаларига, талабаларнинг аниқ имкониятлари ва эҳтиёжларига мувофиқ, ўқув жараёнини бошқаришга қулай ўқитиш усуллари ва таълим воситалари танланади; талабаларнинг эҳтиёжлари, муайян аудитория хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ўқитишнинг анъанавий, интерфаол усуллари уйғунлаштирилади ва такомиллаштирилади; ўқув фанининг методик таъминоти янгиланиб боради; фан ўқитувчиси ва бўлажак ўқитувчиларда аралаш таълимни ташкил этиш бўйича касбий компетентлик орта боради. Салкам 20 йиллик тарихи биланок юксак нуфузга эга бўлаётган аралаш таълимни татбиқ қилиш ўзбек тили таълимининг натижадорлиги омилига айланиши табиий.

Иккинчи бобнинг учинчи фаслида аралаш таълимни татбиқ қилишда анъанавий ва замонавий усулларни интеграциялаштириш масаласи ҳақида сўз юритилди.

Тил ўқитиш методикасида мутолаа алоҳида аҳамиятга эга. Ишимизда “танланадиган асарлар мазмунига ва ҳажмига кўйиладиган талаб ва меъёрлар, талабаларга тавсия қилинадиган бадиий асарларни адаптация қилиш принциплари”га⁸ амал қилган ҳолда талабаларни ўзбек адабиётига ошно қилиш кўзда тутилди. Қозоқларнинг Абай (М.Авезов, “Абай йўли”); қорақалпоқларнинг Ерназарбий (Т.Қаипбергенов, “Гумроҳлар”); туркманларнинг Ортиқ, Ойна (Б.Кербабаев, “Дадил қадам”) каби сеvimли адабий қаҳрамонлари қисмати орқали халқ тақдирига чамбарчас боғланиб кетган асарларнинг аҳамияти қанчалик бўлса, маънавий баркамол шахс тарбиясида ўзбек адабиёти намуналарининг ўрни шунчалик беқиёс эканлигини талабалар онги-шуурига етказиш муҳим аҳамиятга эгадир.

Илмий баённи енгил “ҳазм қилиш”га, мантиқий масалаларни ечишга кўп ақлий ва жисмоний куч сарфлаётган бўлажак педагогларга халқ донолиги яхши кайфият ва эркинлик бахш этувчи восита вазифасини бажариши табиий. Шунинг учун ҳам ўзбек тили машғулотидаги айни шундай дақиқалар “фольклоротерапия” дақиқалари деб номланса тўғри бўлади. Мазкур фольклоротерапия дақиқалари нафақат психотерапия ва мусиқа соҳасида, балки умумтаълим мактабларида ҳам ўқитишнинг инновацион методи сифатида қўлланилса таълимнинг таъсирчанлиги ортади.

⁸ Ниёзметова Р.Х. Таълим рус тилида олиб бориладиган мактабларда XX аср ўзбек адабиётини ўқитиш мазмунини белгилашнинг назарий-методик асослари /ўзбек тили дарслари таркибида/: пед.фан. номз. ... дис. – Т., 2000. 15-16 б.

Ўзбек тилидаги сўзларнинг маъно қирраларини, синонимларни, сўзларнинг кўшиб, ажратиб ёки чизикча билан ёзилиши каби лингвистик ходиса ва қоидаларни ўрганиш учун ҳар бир модулга мақол, топишмоқ, тез айтиш, халқ кўшиқлари ва топишмоқлардан танланди. Масалан, 1-модулда куйидаги топишмоқ берилди: *Bir tepada olti qo‘chqorning shoxi almashib yotir, Yetti qo‘chqorning shoxi yalmashib yotir.*

Маълумки, ўтовлар қорақалпоқ, козок, қирғиз, ўзбек халқлари кундалик турмушида энг муҳим ўрин тутувчи ашё сифатида туркий халқлар тарихи билан чамбарчас боғланган. Шунинг учун ҳам кўпчилик юқоридаги топишмоқнинг жавобини топишга қийналади. Мазкур топишмоқни ҳам лингвистик компетенцияни (ажратилиб ёзиладиган кўшма сўз: *қора уй*), ҳам нутқий компетенцияни шакллантириш мақсадида таълим воситаси сифатида фойдаланишда ана шу жиҳатни эътиборга олиб, фольклоротерапия дақиқасини ўтказиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Талабаларнинг лингвистик компетенцияларини шакллантиришда машҳур тилшунос олимлар фаолияти билан ҳам таништириш алоҳида аҳамият касб этиши назарда тутиб, Маҳмуд Қошғарий, Юсуф хос Ҳожиб, Кайковус, Алишер Навоийлар ҳаёти ва ижодий фаолиятини фольклоротерапия усули воситасида таништириш ижобий натижа бериши кўрсатиб ўтилди.

Аралаш таълимни татбиқ қилишда талабаларни фаоллаштирувчи усуллардан бири “ҳазил диктант”лардир. Бунда талабалар бирор матнни ёзиб беришни турли ёшдаги кишилар, масалан, кўчада бирон йўловчидан илтимос қилишади. Ёздирилган матн талаба томонидан текширилади ва иш гуруҳда тақдимот қилинади. “Ҳазил диктант” ёздирилиши, текширилиши ва тақдимот жараёнида нутқий фаолиятнинг барча турларига мурожаат қилинади.

Бутун дунёда амал қилаётган соғлиқни асрашга қаратилган технологиялар мамлакатимиз таълим тизимига татбиқ этилиши мақсадга мувофиқ бўлади. Чунки Ўзбекистон тараққиёти учун соғлом авлод зарур. Шунини инобатга олган ҳолда биз тақлиф қилаётган фольклоротерапия дақиқалари ва ҳазил диктантларни олий таълимда ўзбек тилини ўқитиш методикасига олиб кириш фойдадан холи бўлмайди.

Ахборот технологияларининг тараққиёти таълим воситаларни ҳам такомиллаштиришда муҳим омил бўлаётганлиги, аралаш таълимни мобиль таълим ютуқларига таянган ҳолда самарали ва сифатли ташкил қилиш мумкинлиги тадқиқотимизда ўз исботини топди.

Диссертациянинг «**Туркийзабон аудиторияда талабаларнинг лингвистик компетенцияларини аралаш таълим воситасида шакллантиришнинг самарадорлиги**» номли учинчи бобида бўлажак педагогларнинг ўзбек тилидан лингвистик компетенцияларини шакллантиришда аралаш таълим методикасидан фойдаланиш бўйича педагогик тажриба-синов ишларининг мазмуни, ўтказиш методикаси, ташкил этишнинг асосий босқичлари баён қилинган, шунингдек, тажриба-синов ишларининг натижалари ва самарадорлик кўрсаткичлари келтирилган.

Педагогик тажрибанинг мақсади туркийзабон гуруҳларда тахсил олаётган бўлажак педагогларнинг ўзбек тилидан лингвистик компетенцияларини шакллантиришда аралаш таълимдан фойдаланишнинг илмий асосланган методикасини ишлаб чиқиш ва унинг самарадорлигини аниқлашдан иборат бўлди. Бунда асосий эътибор аралаш таълим методикасини татбиқ этиш жараёнида қорақалпоқ, қозоқ, қисман рус гуруҳлари талабаларининг ўзбек тилидан лингвистик компетенцияларини шакллантириш юзасидан ишлаб чиқилган ўқув қўлланмалар, электрон ўқув нашрлари ва мобиль иловаларга жамланган ўқув материалларини синовдан ўтказишга қаратилди.

Тажриба-синов ишларининг асословчи босқичида – 2016-2017, 2017-2018 ўқув йилларида ўзбек тили дарслари кузатилди ва талабалар билан суҳбатлар ўтказилди. Жараёнда 415 нафар талаба иштирок этди.

Иккинчи шакллантирувчи босқичда 19 нафар профессор-ўқитувчилар ва 621 нафар талабалар жалб қилинган ҳолда олий таълим муассасалари: Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти (Г.Юсупова, П.Уразбоев, Д.Кабулова), Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети (О.Юсупов, З.Болтаева, З.Асамадинова, Н.Янгибоева), Навоий давлат педагогика институти (Б.Тўхтаева, М.Саттарова, М.Пардаева, Ш.Избосарова) Жиззах давлат педагогика институтида (Д.Файзуллаева, З.Жумаева) тажриба ва назорат гуруҳлари белгиланди. Таклиф қилинаётган ўқитиш методикаси ва унинг самарадорлигини аниқлаш мақсадида тажриба-синов ишлари Нукус ДПИда – 229 нафар; ҚДУда – 166 нафар; Навоий ДПИда – 79 нафар, Жиззах ДПИда – 24 нафар, жами 498 нафар талаба иштирокида ўтказилди.

